

Аллоҳ дунёда бир нарсани кўтарса, вақти келиб уни туширади



09:00 / 19.08.2025 2313

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Азбо исмли туялари бор эди. Жуда тез югурарди. Араблар туя мусобақасидан маза қилишарди. Қавмнинг пайғамбари ҳам улардан бўлади-да. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам улар билан мусобақа қилиб турар эдилар. Азбо мусобақада ғолиб бўлса, саҳобалар бундан хурсанд бўлишарди.

Бир куни бир аъробий келди. Туяси билан мусобақада қатнашди. Унинг туяси ғолиб бўлди. Азбо мағлуб бўлди. Саҳобалар бундан маҳзун бўлишиб: «Азбо енгилди!» дейишди!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улардаги маҳзунликни кўргач, дедилар:

?? ??? ??? ????? ?? ?? ????? ??? ?? ??????? ??? ?????

«Аллоҳ дунёда бир нарсани кўтарса, албатта, вақти келиб уни туширади!»

Нафснинг мубоҳ ишлардан роҳатланиши дурустдир. У иймонни камайтирмайди. У шахсий виқорни айбламайди. Ҳаётдаги барча нарсалардан ўзни четга олиш бу диннинг мақсади эмас. Бор-йўғи Аллоҳ таоло биздан бу ҳаётга шариатиға мувофиқ шўнғишимизни, ҳазиллашишимизни, сайлгоҳларға чиқишимизни, зиёратларға боришимизни, бозорларда юришимизни, тижорат қилишимизни истайди, холос! Аллоҳнинг ҳимоясида яшаш дунё жаннатларидан бир жаннатдир! Уни яшаш керак!

Иймонингиз қанчалар юксалган бўлмасин, тавозули бўлинг. Зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам етган нарсаларнинг заррасига ҳам эриша олмайсиз. Мана, у зот қавмлари билан мусобақада иштирок этиптилар. Ғалаба қозоняптилар, мағлуб бўляптилар. Ҳатто мағлубиятни очик қалб билан қабул қияптилар. Ақида дарсларидан бир дарс беришни ғанимат бияптилар.

Қанчалар катта салтанатға, обрў ва мол-дунёға эга бўлманг, Сулаймон алайҳиссалом эришган нарсаларнинг заррасига ета олмайсиз. Сулаймон алайҳиссалом йўлда тўхтаб, чумолининг гапини эшитиб табассум қилган эдилар.

Тақво ҳаётдан ажралишда эмас, ҳаромдан ажралишдадир!

Аллоҳ таоло: «Бугунги кунда Мен сизларға динингизни мукаммал қилиб бердим. Сизларға неъматимни тугал этдим. Сизларға Исломни дин деб рози бўлдим» (Моида сураси 3-оят) оятини нозил қилгач, барча саҳобалар хурсанд бўлишди. Аммо Абу Бакр розияллоҳу анҳу хафа бўлдилар ва: «Мукаммал бўлган нарсада нуқсон бошланади!» дедилар.

Энди ўйлаб кўринг, бир пайтлар тобелари бу сайёрани буюклик ва иқтидор ила бошқарган, башарият маданиятиға етакчи бўлган дин замон айланиб тобелари нуқсонға йўл қўйганидан сўнг улар ила ортда қола бошлади. Энди бугун дунёда ҳукмрон бўлиб турган ботил узоқ турармиди?! Йўқ! Аллоҳға қасамки, узоққа бормади. Бугун ботилнинг чўққиға чиққани унинг заволи яқинлигини билдиради. Кеч соатларининг бошланиши тонг отишиға ишорадир!

Ёдингиздан чиқмасин! Азбо нега мағлуб бўлди? Негаки, Аллоҳ дунёда бир нарсани кўтарса, албатта, куни келиб, уни туширади!

Азбо энди бир ҳайвон. Бу башарият фожирликда энг баланд чўққиға чиқса, Аллоҳ уларни пастға туширмайди деб ўйлайсизми?!

«Набавий тарбия» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 мартдаги 03-07/1506-рақамли ва 2023 йил 24 мартдаги 01-07/1959-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.